

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 72 (10.377)

2005 ЙИЛ 14 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Сир кўни
Янгликлар, воқеалар

Кўсқа
Сўзлар

● **БУГУН** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни 289-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир туман Кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилган кўриктанлов «Оила кодекси» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни «Камалак» болалар ташкилоти Сергели туман бўлими ташаббуси билан мактабларнинг «Камалак» сардорлари иштирокида шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

● **КЕЧА** Тошкент тижорат ва тадбиркорлик коллежиди, 144-мактабда, «Кўшбеги» маҳалласида фаол ёшлар иштирокида «Гивандлик — келажак кушандаси» деб номланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 70-мактабда ўқувчилар ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Камалак» болалар ташкилотининг Юнусобод туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2005 ЙИЛНИНГ 1 МАЙИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилсин.

2. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 7835 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 15505 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (ноличчи) разряд - ойига 7835 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 15505 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 9390 сўм миқдориди белгилансин.

3. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони билан уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилган бюджет ташкилотлари ходимларидан айрим тоифаларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,35 баравар оширилсин ва мазкур компенсация тўловлари бекор қилинсин, жумладан мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ 1,2 баравар оширилсин, қолган қисми эса - бекор қилинадиган компенсация пул тўловлари ҳисобидан амалга оширилсин.

4. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақига нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янгиланган рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устава ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки

ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлиги оширилган ва меҳнат сарфи камайтирилган тақдирда иш ҳақи миқдорини оширсин.

9. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 июлдаги ПФ-3450-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги ПФ-3227-сонли Фармони иловаси ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатлари ҳақида мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 13 апрель

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВАКИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Европа Иттифоқи Комиссияси бош директорининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари Майкл Ли раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев билан учрашди.

Суҳбат чоғида парламентлараро ва ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди. Меҳмонлар Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимининг шакллантирилганини қонун чиқаришни тақомиллаштириш бо-

расидаги муҳим қадам сифатида баҳолади.

Европа Иттифоқи Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан деб билди. Тобора ривожланиб бораётган муносабатларимизда 1996 йил Италиянинг Флоренция шаҳрида

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим ҳуқуқий омил бўлиб ҳизмат қилаётир.

Меҳмон Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети ҳақ ташриф буюрди.

(ЎЗА)

XXI саҳоси
Барча маилбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Мамлакатимизда Қорақалпоғистондаги болалар шифо ва тарбия муассасаларини дармондорили махсулотлар билан қўшимча равишда таъминлаш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган пилот лойиҳаси амал қила бошлади.

● Сурхондарё вилояти пиллалар корлари мамлакатимизда биринчи бўлиб ипак курти парваришига киришдилар. Тайёрлов идоралари мутахассислари 21,5 минг қути ипак курти уруғини оилавий пудратчилар ва фермер хўжаликларига шартномага асосида тарқатиши бошланди.

● Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Ксения Кригер Халқ таълими вазирлиги, республика рус миллий-маданий маркази, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва «Росзарубежцентр» томонидан ташкил этилган халқаро танловда голиб чиқди.

● Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги академик лицейда «Сиз қонунни биласизми?» танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.

● Бухородаги «Шаҳбоз-Шаҳрон» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 50га яқин янги иш ўринлари очилиб, жами хизматчилар сони 330 нафарга етди. Шу билан бир кунда 1200 метр квадрат гилам ишлаб чиқариш имконияти яратилди.


Жаҳонда

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Латвия Президенти Вайра Вике-Фрейбергага 2005 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган жаҳон етакчилари саммитига тайёргарлик кўриш масъулиятини юклади ва ўзининг махсус вакили этиб тайинлади.

● Европарламент Болгария ва Руминиянинг 2007 йил 1 январдан Европа Иттифоқи таркибига киришини маъқуллади.

● Жанубий Корея Президенти Но Му Хён ўзининг Германияга ташрифи чоғида расмий Пхеньян ядро тадқиқотларидан воз кечса, ушбу мамлакатга иктисодиётни ривожлантириш учун ҳар томонлама ёрдам беришига тайёр эканлигини билдирди.

● Буюк британиялик олимлар Европа лойиҳаси асосида улкан телескоп яратишга киришдилар. Олимларнинг айтишларига кўра, мазкур қурилма ҳозирда мавжуд замонавий телескоплардан ўн баробар узоқни кўрсата олади.



Наталья Семёнова
олган сурат.

Мадбиркорлик

ЗАМОНАВИЙ МЕБЕЛЛАР

Хунарли киши хор бўлмас, деган мақол бежизга айтилмаган. Кўл меҳнати қадимдан кадрлиниб келинган бўлиб, нозик дид билан яратилган буюмлар доимо халқнинг эътиборида бўлган. Хунар орқасидан ҳурмат қозонган, шоғирдлар етиштириб элнинг дуосини олган усталар кўл меҳнати таҳсинга лойиқ.

Ана шундай кўли гул хунармандлардан бири Собир Рахимов туманида яшовчи Бахтиёр ака Турдиевдир. Бугунги кунда хунарманд Бахтиёр ака бошчилигида тайёрланаётган стол-стул ва турли хилдаги мебель жиҳозлари ўзининг дизайни, ташқи кўриниши, нақшдорлиги билан бошқалардан ниҳоятда ажралиб туради.

—1997 йилда иш бошлаганмиз, — дейди Бахтиёр Турдиев. — Дастлаб, дастгоҳ яратиб, шунга кўра ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биринчи ўринда мебелларнинг дизайнига алоҳида эътибор қаратдик.

Мебеллар асосан ёнғоқ дарахтидан тайёрланади. Ушбу дарахт пишқ, ранги чиройилиги, узоққа чидамлилиги билан қимматлидир.

Бугунги кунда 10 нафардан зиёд шоғирдларга устозлик қилаётган Бахтиёр ака хунари орқасидан элнинг меҳрини қозонмоқда. Унинг устaxonасида бўлган киши санъат асари даражасидаги моҳирона ишланган стол-стул, мебель жиҳозлари жилосидан лол қолмай иложи йўқ. Айниқса нақшдор бе-заклар билан ишланган буюмлар киши кўзини қувонтиради.

— Ҳар йили «Ташаббус» танловида иштирок этиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келамиз, — дейди хунарманд Бахтиёр ака. — «Ташаббус-2002» танловида «Энг яхши экспортчи» номинациясини олганмиз. Ҳозирда буюртма асосида мебеллар ясаймиз ва четга экспорт қиламиз. Келгусида шоғирдлар билан биргаликда ясаётган мебелларимиз сифатини янада яхшилаш ниятидамиз.

БУЮРТМАЧИЛАР Сони Кўпаяди

Юртимизда спортга бўлган эътибор кучайганлиги боис спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Ўзбекистон герби ва байроғи туширилган спорт кийимлари биринчи навбатда Ватанмиз рамзларидан дараж берса, иккинчидан ушбу кийимни кийиб, ўзга юртларда қолиб бўлиб қайтган спортчиларимиз галабасидан бениҳоя фахрланамиз.

Бугунги кунда шахримизда фаолият юритаётган «Arabboy sport kafolat» хусусий фирмаси ходимлари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт кийимлари ҳам айнан спорт билан шуғулланувчилар учун ниҳоятда зарур. 2003 йилда ташкил этилган ушбу фирмада 30 хилдаги спорт кийимлари ва анжомлари тикилиб, сотувга чиқарилади.

Корхонанинг асосий буюртмачилари Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳисобланиб, ушбу ташкилот буюртмасига кўра ўтган йили 100 миллион сўм микдоридаги спорт анжомлари ишлаб чиқарилди.

Бу йил фирма тендерда иштирок этмоқда. Агар корхона ушбу жараёнда ютиб чиқадиган бўлса, буюртмачилари сони янада кўпаяди.

Орзугул РУСТАМОВА

Баҳорги гакирик

ҚАЛБДА ВАТАН ТУЙҒУСИ БИЛАН

Азал-азалдан юрт тинчлиги, эл осойишталиги мард, жасур, фидойи ўғлонлар зиммасида бўлган. Мустақиллик йилларида Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли ҳарбийлик нуфузли касбга айланиб улурганини бугун шахар ва туман мудофаа бўлимларида баҳорги чақирикнинг қизгин олиб борилаётганидан ҳам билиш мумкин.

Юртбошимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғига мувофиқ баҳорги чақирик юмушларининг қай даражада олиб борилаётганиги билан қизиқиб Юнусобод туман мудофаа бўлимида бўлдик. Ва кўрдикки йиғин пункти чақурувчилар, ота-оналар билан ҳар қайсидан ҳам гавжум.

Чақурулувчиларни кузатар эканмиз, уларнинг аксарияти ватанпарварлик туйғуси билан астойдил хизматни ўташга, юрт посбони бўлишга чоғланган йиғитлар эканлигини кўрдик. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган бўлгуси аскарлар бугун малакали шифокорлар назоратидан ўтишмоқда.

— Шифокорларимизнинг барчаси кўп йиллик малака ва тажрибага эга, олий тоифали бўлиб, тиббий кўрикнинг тўғри ва одилона ўтишига масъулдирлар, — дейди биз билан суҳбатда тиббий комиссия бош шифокори Убайдулла Холматов. — Бу ерда барча зарур шарт-шароитлар яратилган, энг замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган. Бу эса сифатли текширувни амалга ошириш, тиббий комиссия ишининг ҳолис хизмат кўрсатишини таъминлашга омил бўлмоқда.

— Халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарган, ҳарбий хизматнинг нуфузи янада ошган, — дейди туман мудофаа бўлими

етган йиғитларнинг аксарияти муддатли хизматга бориш истагини билдиришди. Хозирги вақтда бу ҳам осон эмас. Биз аввало танловда энг юқори балл тўплаган, яъни интеллектуал даражаси юқори, жисмонан соғлом, ақлан баркамол йиғитларни тест-синовларни орқали текшириб, танловдан аъло баҳоларга, шунингдек тиббий комиссиядан ҳам ҳеч қандай камчиликларсиз ўтган йиғитларни муддатли ҳарбий хизматга биринчи навбатда юборамиз. Бунда албатта "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ЁИХ, ички ишлар хизмати каби бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бевосита комиссия аъзолари сифатидаги овози ҳисобга олинади. Чақурулувчиларнинг оилавий аҳоли, шарт-шароити ҳам ўрганилиб, ота-оналар билан маслаҳатлашиб иш олиб борилади.

Биз баҳорги чақирикка тайёргарликни кузги чақурувни муваффақиятли яқунлаганимиздан кейинқош бошлаб юборганмиз. Туманимиздаги 50 та маҳаллада, ўқув юртида бўлиб ота-оналар ва чақурулувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бордик. Капитан Облоқул Қурбонов, майор Баҳриддин Равшанов, сержант Илҳом Мирзақаримовлар бевосита жойларга чиқиб ёшлар билан ҳарбий хизматнинг машаққатли ва шарафли эканлиги, шу йўлни танлаган одамда чуқур масъулият, юксак бурч туйғулари муҳасам бўлиши лозимлиги ҳақида давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келмоқдалар.

Биз барча синовлардан муваффақиятли ўтган бир гуруҳ чақурулувчилар билан суҳбатда бўлдик.

— Мен ёшлиқдан ҳарбийликка ҳавас қилар эдим, шу кунгача Политехника касб-хунар коллежида ўқидим, хунарли бўлдим. "ЖАР" спорт мажмуасида спортнинг қўл жанги тури билан шуғуланиб келдим. Ўйлаيمанки хизмат давомида бу албатта керак бўлади, — дейди ўзини Баҳром Саидов деб таништирган йиғит. — Танлов-



Бошлиги, подполковник Рафиқ Қодиров. — Бу албатта Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасидир. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил қилиб белгиланганиги, сафарбарлик чақуруви резерви хизмати албатта халқимизга жуда маъқул бўлди. Хизмат ёшига

қилар эдим, шу кунгача Политехника касб-хунар коллежида ўқидим, хунарли бўлдим. "ЖАР" спорт мажмуасида спортнинг қўл жанги тури билан шуғуланиб келдим. Ўйлаиманки хизмат давомида бу албатта керак бўлади, — дейди ўзини Баҳром Саидов деб таништирган йиғит. — Танлов-



нинг бунчалик қийин бўлишини билмаган эдим. Ҳаракат қилиб энг юқори балл билан ўтганимдан ота-онам ҳам хурсанд бўлишди. Яхши хизмат қилиб уларнинг ишончини албатта оқлайман.

— Мен Темура Галимовман, — дейди ҳаяжонини яширilmay турган йиғит. — Ўртоқларимдан қолиб кетмаслик, ота-онам олдида уялиб

қолмаслик учун ақл ва ид-роқимни чарқлаб, синовдан муваффақиятли ўтишга ҳаракат қилдим. Фақат соғлом бўлсанг бўлди, деб хато ўйлаб юрган эканман. Мана ниҳоят қийинчилик билан бўлсада қатордан қолайдиган бўлдим. Хизматда яхши натижалар кўрсатиб тавсиянома билан келишга ҳаракат қиламан. Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирмоқчиман.

— Мен эса муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келгач Тошкент олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билан юртвага ўқишга қираман, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Ақром Валиев. — Она-юрт тинчлигини қў ҳорачиқдек асраш, мустақил юртимизга муносиб фарзанд бўлишни ният қиламан.

Дарҳақиқат, бугунги кун ёшлари, наинки улар, балки ота-оналарда ҳам ҳарбий хизмат тўғрисидаги тасаввур бутунлай ўзгарган. Ватан ҳимоясини, мард ва фидойи ўғлонларнинг катта тантана билан Куролли Кучларимиз сафларига кузатилиши, уларга яратилган шарт-шароитлар, хизматни муносиб ўтаб, ота-она, яқинлари ёнига қайтаётган аскарларни муносиб қутиб олиш, ўқиб ўқишга жойлаштириларида қўлаб-қувватлаш каби кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўзининг яхши натижаларини бераётганини, ватанпарвар ўғлонларимиз сафи тобора кўпаяётганини илғаш қийин эмас назаримизда. Ишончлиқ ўғлонларимиз Миллий Армиямиз сафида бўлишга муносиб эканликларини аъло хизмат билан кўрсатадилар.

ШОИРА МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Юнусобод туман мудофаа бўлими ва тиббий комиссия фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

ПУЛЛИК ТИББИЙ ХИЗМАТ: ТЕКШИРИШ ЯҚУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳай'ат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи айрим даволаш-профилактика муассасаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, тиббий хизмат сифати, тарифларнинг асосланганлиги юзасидан ўтказилган текшириш яқунлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ж.Сайфиддинов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, 159 даволаш-профилактика муассасасида ўтказилган текшириш чоғида уларнинг 97 фоизиди турли хато ва камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Даволаш-профилактика муассасалари томонидан тасдиқланган тарифларни ошириб қўллаш, тарифлар қийматига ҳақиқатда фойдаланилмagan дори воситаларини қиритиш натижасида истеъмолчилардан олинган 36,7 миллион сўмлик асоссиз маблагни тегишли жамғармаларга ундириб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Даволаш-профилактика муассасалари томонидан кўрсатилмаган хизматлар учун олинган 25,3 миллион сўмлик маблаг истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб этилди.

Айрим даволаш-профилактика муассасаларининг пуллик хизмат ҳоналари етарли даражада жиҳозланмаган. Мавжуд тиббий асбоб-ускуналар эскирган. Булар даволаш-хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

Германия оммавий ахборот воситалари, жумладан, "Spiegel" журнали, "Rheinische Post" ва "Borcholter-Borkoner Volkesblattes" газеталари ҳамда "NTV" телеканални интернет саҳифаларида мамлакатимиз ҳақида туркум мақолалар чоп этилди. Уларда Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби қадимий ва навқирон шаҳарлари, улардаги тарихий ва меъморий обидалар тўғрисида кенг маълумот берилган.

ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

"Шарқ мўъжизаси ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро каби номлар кишини беихтиёр минг бир кеча эртақларига етаклайди, - деб ёзади немис журналисти Жобст Книгге. - Мазкур обидаларда бебаҳо меъморчилик санъатининг буюк намуналарини кўриш мумкин".

Шунингдек, муаллиф ўзбек миллий маданияти хусусида тўлқинланиб ҳикоя қиладди, мамлакат бозорларидаги шарқона тароватни моҳирлик билан таърифлайди. Немис журналисти Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллий кадриятлар қайта тикланаётгани билан бир қаторда диний бағрикенглик аънаналари қарор топганини ёзади. Муаллиф, шунингдек, минтақадаги вазиятга баҳо бериб, Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик макони эканига алоҳида урғу берган.

"Бозорларда хунармандлар ўзларининг бежирим амалий

санъат намуналари бўлмиш турли тақинчоқлар, мовий ранг сопол идишлар, гилам ва бошқа маҳсулотларни сайёҳларга тақдир қиладилар. Ўрта асрларда Дарданелл бўғозидан тортиб Дехлигача бўлган ҳудудда яшин тезлигида ўз салтанатини барпо этган Соҳибқирон Амир Темура суқоли хотини Сароймулкхонимга бағишлаб бунёд эттирган Бибиҳоним мадрасаси маҳобатини томоша қилган ҳолда, хаёлан ўтмишга сайр қиласиз", дейилади мақолада.

Шунингдек, мамлакатда авлодлардан мерос қолган тарихий обидаларни тиклаш, уларни асраб-авайлаш учун ҳукумат томонидан йирик ишлар амалга оширилмоқда, дейди муаллиф.

Мақола сўнггида сайёҳатчилар учун зарур маълумотлар илова қилинган.

Баҳриддин АСЛАНОВ, "Жаҳон" АА, Берлин

Мағлим

ЗАМОНАВИЙ
ВОСИТАЛАР
ЁРДАМИДА

Республикада кино-техник хизмат кўрсатиш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Бунда Наби Ғаниев номидаги Тошкент кино коллежида амалга оширилаётган техник тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Бу ерда "Киновидеотехника" мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашга киришилганлиги ҳам айтиш мумкин бўлди. Эндиликда шу ихтисослик бўйича уюштирилаётган ўқув машғулотлари замонавий техник воситалар ёрдамида ташкил этилмоқда.

Коллеж "Ўзбеккино" миллий агентлиги кўмагида қўллаб қўрилмаларга эга бўлди. Ўқув лабораторияси, устахона ва компьютер синфларида уюштирилаётган машғулотлар янада қизиқарли бўлиб бормоқда.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА
ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институти ҳузуридаги академик лицей намунаси ўқув даргоҳларидан бирига айланди. Бу ерда компьютер қўрилмаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Лицейнинг компьютер синфлари эса яқинда яна бир нечта "ақл"ли машиналар ҳисобига бойиди. "Пентиум-4", "ЛСД проектор" каби компьютерлардан иборат бу технология кўргазмалари асбоблар лицейда уюштирилаётган маънавий таълим ва информатика ўқув курсларини олиб боришда қўл келмоқда.

Шуниси муҳимки, бу хил машғулотларни ташкил этишда Кибернетика институти олимлари ўз амалий ёрдамларини аямаётдилар.

ТУРЛИ ТИЛЛАРДА
ТАЙЁРЛАНДИ

Мамалякатишимиз нашриётлари Марказий Осий Республикалари мактаблари учун мўлжалланган ўқув адабиётларини чоп этишда бой тажриба орттиришди. Бунинг "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Нашриётнинг "Кимёбиология ва умумтехника адабиётлари" тахририяти томонидан босмага тайёрланаётган ўқув адабиётларидан бир нечаси қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ тилларида ҳам чоп этилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Жумладан, 8-синфлар учун "Одам ва унинг саломатлиги", 10-синфлар учун "Кимё", 11-синфлар учун "Умумий кимё" дареликларини қайта нашрга ҳозирланди. Бу адабиётлар турли тилларда ўқувчиларга тақдим этилади.

Ақбар АЛИЕВ

Жонимиз азиздир сизу биз учун, Нонимиз азиздир сизу биз учун, Умиримиз қийматин билсак агар биз Нонимиз азиздир сизу биз учун... Дарҳақиқат, бу кўхна дунёда ҳар бир онимиз, ҳар бир кунимиз ганиматдир. Одамзот қанча умр кўрмасин, ҳаётини мазмунли ўтказиб, ҳалол меҳнат ортидан иззат-ҳурмат топса, ҳалол меҳнатнинг нони ширин эканлигини ва роҳатини ҳис этиб яшайди. Ўтган умри, қилган меҳнати, заҳматлари зое кетмаганлигини туюнади.

"Ибрат излаганга ибратдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё" дейди халқимиз. Орамизда бутун умр меҳнат қилиб, касбига меҳр қўйган, меҳнатидан қадр ва эъзоз топган заҳматкаш инсонлар кўлаб топилди. Жумладан, яхшиларга ёндошиб, улардан ибрат олган, ўз касбининг ҳаётининг мазмуни дея, табаррук ёшда ҳам фаолият кўрсатиб келаётган Халил ота Саримсоқовни бугунги кунда "Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акция-

дорлик жамияти танимайдиган одам бўлмас керак. Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, киши азим дарё бўлиб элга хизмат қилар экан. Халил отани ҳам азим дарёга қиёс этиш мумкин. Негаки дарё суви шиддат билан оқиб, кичик irmoқчаларга қўйилиб жону жонзотга ҳаёт бахш этганидек, Халил ота ҳам ўшқин меҳнат қайнаётган улкан бир корхонага, шунингдек, катта ва аҳил хонадонга фойз, барока киритиб келмоқда. Нуруний қариалар бор жойда, албатта одоли ёшлар камолга етади. Зеро, нурунийларнинг панду насихатлари, берган маслаҳатлари фарзандлариона набираларига фақат тўри йўлни кўрсатиб камолга етказди. Шаҳримиз атрофида «Хонобод» маҳалласи бор. Шу ерда туғилиб ўсган Халил ака ёшлигидан меҳнатда тобланди. Унинг ёшлик, ўспиринлик давлари урушининг оғир йилларига тўри келди.

— Ҳа, ёшлигимизда кўп қийинчилик-

ларни бошдан кечирганмиз, - деб хотирлайди Халил ота. - Биз оилада етти фарзанд эдик. Мен жамоа ҳўжалигида онамга пахта теришда ёрдамлашиб, сув қўйиб юрардим. Уруш бошланган йиллар ўспирин эдим. 45 нафар хотин-қизлардан иборат бригадага бошлиқ Ўзбек ака

зандлар, ота-оналари орзу қилганидек, комил инсонлар бўлиб етишишди. Ҳозирги кунда Халил отанинг оиласи маҳалладаги энг ибратли, обрўли хонадонлардан ҳисобланади. Ҳамма уларнинг тотув оиласига ҳавас қилади, фарзандлари ҳам одобахлокли, ўқимишли инсон бўлиб етишишларини ният қилишади.

Умр карвони илдамлаб борар экан, инсон ҳаётининг аччиқ қисматларини қўтилмаган мукофотларини олаверар экан. Халил ота ҳам кексайганида оғир ҳаёт заҳматлари роҳатини кўрмоқда. Меҳнатидан, фарзандлари орқасидан келаятган бахт ва омад отахоннинг саодатли кунларга эришгани, орзу-армонлари рўёбга чиққанидан далоят бермоқда.

— Шундай дорилором кунларга етказганига шўкр,— дейди Рашидаҳон ая. — Ҳалоллик, аҳил ва тотувликда гап кўп экан. Оилада катталар тотув бўлса, фарзандлар ҳам ибрат олади, тарбияли инсон бўлиб етишади, албатта. Ниятимиз фарзандларимизни зиёли инсон қилиб, камолга етказиш эди. Ниятимизга эришдик.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Халил отанинг фарзандлари Абдушўкур — кимё фанлари доктори, профессор, «Дўстлик» ордени соҳиби Абдуқодир ота касбидан борди, у турдош корхонада бригадир, Абдуҳаким Акмал Икромов туман санитария-эпидемиология нazorати маркази бош шифокори, қизлари Феруза мактабда ўқитувчи, Дилфуза дорихона. Бу табаррук оила соҳиблари бугунги кунда фарзандлари, келинлари, 17 набаира ва 15 эваралари даврасида кексалик гаптини суришмоқда.

Ҳа, Халил ота Саримсоқов бир жойда 60 йил меҳнат қилиб ҳурмат-эътибор топди. Заҳматкаш ва фидойи отахоннинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланган. У 2003 йилда «Шўҳрат» медалига сазовор бўлди, қатор фخرлий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Меҳнатдан топиладиган бахт ва омад инсон ҳаётини безайди. Халил ота сингари нуруний ва табаррук ёшда ҳам меҳнатни ҳаётининг шioriга айлантирган кишилар албатта нурили уфқларга етажаги шубҳасиз.

Дилором ИКРОМОВА.

СУРАТДА: Халил ота ва Рашидаҳон ая набиралари даврасида.

Наталья Семёнова олган сурат.

Пирў бадавлатларимиз

ИБРАТ ИЗЛАГАНГА
ИБРАТДИР ДУНЁ

икковимиз жамоа ҳўжалигида меҳнат қилганмиз. От-арва, тракторларни юргизиш, ҳўжаликда картошка, қарам экардик, ҳосилини йиғиб аскарларга жўнатардик. Иш оғир бўлган, меҳнатдан сира қочмаганмиз. 1944 йилдан Тошкентдаги авиация заводи, ҳозирги «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятига ишга кирдим. Уч йил йиғув цехида ишчи бўлиб ишладим, кейин бригадир қилиб тайинландим. 42 йил шу цехда бригадир сифатида меҳнат қилдим. Касбимга жуда меҳр қўйганман. Ҳаётимни заводсиз, дўстларимиз тасаввур қилолмайман.

Ҳа, Халил ота бугунги кунда пирў бадавлатларимиз қаторида табаррук 80 ёшун қаршилаётган бўлсаларда, ҳали янани меҳнат қилиб келмоқдалар. Рафиқалари Рашидаҳон ая билан тотув ва аҳил турмуш қуриб, ўч уғил ва икки қизларини ўқитиб, олий маълумотли қилишди. Фар-

Мамаля

ҲАМЖИҲАТЛИК БАРАКА
КЕЛТИРАДИ

Маҳалла аталмиш файзли гўшаларда оилалар тинч, аҳил, баҳамжихат яшайдилар. Маҳалла оқсоқоллари, фанлари эса шу масканда истикомат қилувчиларнинг яхши, ёмон кунларида, тўю-маъракаларида бош-қош бўладилар, кекса-ю ёшнинг кўнглини олишга, бирдамлик билан ишлашга ҳаракат қиладилар. Негаки маҳалла ўзбекона яшаш тарзини, одобу ахлоқимиз, ҳар бир босган қадамимизнинг кўзгусидир.

Яқинда Чилонзор туманидаги "2-Чарқ Камолон" маҳалласида истикомат қилувчи Жўра ака ва Ширмоной опа хонадонидида "Баҳамжихатлик барака келтиради" мавзусида сумалак сайли бўлиб ўтди. Унда маҳалладаги онахонлар ва ёшлар иштирок этдилар. — Ҳамжихатлик, бирликка нима етсин, — дейди рассом Жўра Асранов. — Маҳалланг тинч бўлса, кўнглилар хотиржам бўлади, диллар ором топади, катталар эъзозда, кичиклар иззатда бўлади. Оиламизда бугун катта шодийна эсон-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, шўкроналик кенаси. Ана шу ҳамдўстлик, ҳамқадамлик бизларни ҳеч қачон тарқ этмасин.

Сумалак қайнаётган қозон атрофида уйин-кулги тонгга қадар давом этди. Шейрхонлик, ҳазил-мутойиба ва кулгуга йўрилган кечада иштирок этган семимли хонанда Муножот Йўлчиёвнинг оҳанграбо қўшиқлари йиғилганларга янада хушнудлик бахш этди. Қозонларда ошу, сумалаклар пиширилиб нозу-неъматларга тула дастурхонга тортилди. Барчанинг юзида кулгу, дилида хузурбахш тўйлар мавжланди.

Дарҳақиқат "2-Чарқ-Камолон" маҳалласи аҳли хамиша ана шундай байрам кечаларини уюшқоқлик билан ўтказди. Яқинда маҳалла оқсоқоли Зоҳидхон Атаматов, хотин-қизлар комиссиясининг раиси Шарофат Мусаева ташаббуси билан маҳалладаги 40 нафар аёл Бухоро шаҳридаги Имом Бухорий макбарасини зиёрат қилиб қайтишди.

Маҳалла ўзбекона кадрларимизни, урф-одатларимизни қадрлайдиган, хамиша тотувликка, оғоҳликка чорлайдиган муқаддас даргоҳ, Истардикки ана шундай ҳамжихатлик маҳалларимизда хамиша ҳукм сурсин.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Мамалякатишимизда ёшларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказиш, унумли ва фойдали ишлар билан шуғулланишлари, шунингдек, ёш истеъдод соҳибларининг маҳоратларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда юксак салоҳиятларни рағбатлантириш мақсадида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамалялар

ЁШ ДОИРАЧИЛАР
БЕЛЛАШАДИ

Айниқса мусиқага меҳр қўйган ёш санъат шайдоқларини аниқлаб, уларнинг ишларига қўмак бериш ниятида мана бир неча йилдирки, анъанавий ёш доирачиларнинг "Зарб-2005" республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Яқинда, Республика Ўқувчилар ижодиёти марказида шахар Халқ таълими бос бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шахар бўлими, шахар ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамкорликларида ушбу танловнинг шахар босқичи ташкил этилди. Унда Акмал Икромов, Бектемир, Мирзо Улўбек, Собир Раҳимов, Ҳамза, Чилонзор, Юнусобод, Шайхонтоҳур туман ўқувчилар ижодиёт марказларининг ёш истеъдод соҳиблари иштирок этдилар.

Танловда ҳар бир даста томонидан дастурлар ижро этилиб, иштирокчилар 10 баллик тизим асосида баҳолаб берилди. Эътиборли томони шундаки, мусиканинг жўшқинлиги тингловчиларга етказиб берилган кайфият алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ижро маҳорати ва сифати, саҳна санъати, саҳна кийимлари, дасталарнинг ўзига хос ҳолда қийишлари одиллик билан баҳоланди.

— Бизнинг гуруҳимиз 10 кишидан иборат бўлиб, 9 ёшдан 17 ёшгача

бўлган ёш доирачилардан ташкил топган, — дейди Тошкент шахар Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги "Зарб" ёш доирачилар тўғраги раҳбари Доғрий Саъдуллаев. — Асосан гуруҳимиз аъзоларига доиранинг "Етти доира сандоси", "Қўш қарс" усулларини ўргатиб келмоқдамиз. Ушбу кўрик-танловда иштирок этган барча ёш доирачиларга устозларимиз Қаҳрамон Дадаев, Ғофир Азимов, Талъат Солиев, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод Исломурад сингари машҳур, истеъдодли доирачиларимиз йўлини берсин, деб ният қиламиз...

Ёш доирачиларнинг ижро санъати ҳайрат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Биринчи ўрин Тошкент шахар Ўқувчилар ижодиёти маркази қошидаги "Зарб" доирачилар дастасига, иккинчи ўрин Чилонзор туман ўқувчилар ижодиёти маркази доирачилар дастасига ва ниҳоят учинчи ўрин Акмал Икромов туманидаги "Ёш доирачилар" тўғраги аъзоларига насиб этди.

Танлов сўнгида голибларга эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўринга лойиқ топилган жамоа республика танловига йўлланмани қўлга киритди.

Юлдуз УСМОН

Карор ва ижро

МУАММОЛАР ЕЧИМИ ҚЎЛИМИЗДА

Хозирги кунда коммунал ислохотларни тез суръатларда амалга ошириш долзарб йўналишга айланган айни ҳақиқат. Негаки, у аҳолининг кундалик ҳамда мавсумий эҳтиёжларини инobatта олинган ҳолда юзага келиб, шунинг баробарида соҳа ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкляди.

Буни шахримизнинг ҳамза туманида фаолият олиб бораётган «Тоҳир» ҳамда «Обод» уй-жой мулкдорлари ширкатлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2001 йилдан бошлаб иш юритаётган «Тоҳир» уй-жой мулкдорлари ширкати У.Носир маҳалласида истиқомат қилувчи 730 та хонадонга баҳоли қудрат хизмат кўрсатиб келади. Ислохотларнинг илк босқичида 20 та ноқонуний қурилма олиб ташланди. Очқ қолган жойларда кўчат экиш ва


Халқимизда «Якка отнинг чан-манида фаолият олиб бораётган» Шу маънода коммуналчиларнинг оғирини енгил қилаётган хомий ташкилотларнинг беминнат хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, «Истикбол-капитал», «Дадо» ва «Саркор WIRELESS» хусусий муассасаларининг моддий маблағларни кўплаб уйларнинг таъмирлашига, яшовчиларнинг юзюда кулгу югуришига сабаб бўлди.

— Гарчи ишларимиз бир маромда кетаётган бўлса-да,



кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ширкатга қарашли 18 та кўп қаватли уйнинг ертўллари юз фоз таъмирдан чиқарилди. Уйларнинг кириш йўлакларини оқлаш, бўяшда ширкатга қарашли ишчи-хизматчиларнинг меҳнатларини таъкидлаш ўринли албатта. Айни дамларда эса 2, 3, 4, 5-уйларнинг ертўллари тўлиқ электрлаштириш бошланган.

ютуқларга тўсиқ бўлаётган муаммоларимиз ҳам анчагина, — дейди ширкат раҳбари Тоҳир Жонкулов. — Фуқароларимизни ҳалигача тўлов интизомига риоя қилайти, деб айта олмаيمиз. Бунинг оқибатида пул айланмаси ўз маромида кечмай 18 миллион сўмлик муддати кечиккан қарз маблағлари ундирилгани йўқ. Шу боис, биз конун доирасида иш кўриб, 120 та



қарздор хонадонни хўжалик судига топширганмиз. Моддий чекловлар оқибатида 1, 3, 4, 6-уйларимизда таъмирлаш ишларини бошлаб олганмиз йўқ. «Обод» уй-жой мулкдорлари ширкати иш фаолияти билан танишиш, қилинаётган ишлар кўламини кузатишга бевосита мақолали тайёрлаш жараёнидаги таширфимиз давомиди гувоҳ бўлди. Ширкатга 742 та хонадон, 8 та кўп қаватли уй қарайди.

— Фаолиятимизни яқинда бошладик, — дейди ширкат етакчиси Саидгани Усмонов. — Бугун ширкатимизга қарашли 7-уйнинг олдида қурилган ноқонуний қурилмани олиб ташлаямиз. Хайриятки, мазкур уйда истиқомат қилувчилар ўртасида ислохот талабларини тўғри тушунирганимиз боис, ҳеч қандай тушунмовчиликлар содир бўлгани йўқ. Муҳими, муаммолар ечимини қўлимиздан келганча ўзимиз хал қилишга ҳаракат қилаймиз.

Хуллас, ҳар иккала ширкатда ҳам иш кўлами маромида кечмоқда. Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам етарли. Бироқ шуни алоҳида мамнуният билан айтиш лозимки, юртдошларимиз ислохотлар талабларини тўғри ағлаб етишмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: ширкат фаолиятдан лавҳалар. **Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.**

Шундай қилиб, Миробод туманидаги Афросиёб шохўчасида жойлашган 41-«В» уйнинг 9-қаватида истиқомат қилувчи 31 ва 32-хонадон соҳиблари уй томини 2004 йил августидан ўзлари четдан уста ёллаб таъмирлашди, анчагина маблағ сарфлашди. Аммо кутилган натижа бўлмади, бир-икки ёғингарчиликка бардош берган таъмир, кейингиларида яна ҳунар кўрсатди. Нима учун? Елланган усталарнинг ишни қўл учига бажарганими ёки уй ҳолатини яхши билганими — барибир ланд берди.

— Ушбу уйда яшаётганимизга 5 йил бўлди, — дейди 31-хонадон соҳибаси Ирода Шермухамедова. — Ана шу давр мобайнида ҳар мавсум томондан чакка ўтишидан азият кечдик. Фойдаланиш харажатлари тўловини ўз вақтида бажаришимизга қарамай шикоятларимиз ўзимиз аъзо бўлган «Саодат-тадбиркор» уй-жой мулкдорлари ширкати мутасаддилари томонидан эътиборсиз қолдирилди. Шу боис ҳам уйни ўзимиз таъмирлашга мажбур бўлдик.

Чиндан ҳам хонадон деворидидаги, шифтдаги сарик доғлар европача услубда таъмирланган ҳар бир хонанинг ҳуснига доғ бўлиб турибди. Ахир шундай таъмирлаш, яхши шароит учун озмунча маблағ сарфланадими?

32-хонадонда эса ахвол бундан ҳам ёмон. — Ёғингарчилик кунлари бундан илҳамимиз қолмайди, — дейди Меҳринисо Шомуродова. — 5 йилдан буён ахвол шу. Бунинг устига қиш мавсумида хонадонимизнинг залида умуман иссиқлик бўлмади. Болалар билан совуқда дийдираб чиқдик. Ана шу ахволда дарадимизни ўзимиз аъзо бўлган ширкат эшитмасса, чора кўрмас, дудимизни кимга айтмасми? Шу боис ҳам 2005 йил январидан буён фойдаланиш харажатлари пулини тўламаймиз. Негаки, бизга агар «Том-

ни ўзларинг таъмирласаларинг, қайта ҳисоб-ки-тоб қиламиз» дейишган эди, лекин бундай бўлмади.

«Саодат-тадбиркор» уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли кўшни уйда ҳам ахвол бундан яхши эмас. Ушбу 39-уйнинг 63,64-хонадонларида бўлганимизда бунинг яқин гувоҳи бўлдик. Таъмир қилинган: кўчада ёмғир ёғапти, овқат қилсангиз ошхонангиздан, ётсангиз ётоқхонангиздан, меҳмон кутсангиз меҳмонхонангиздан чақиллаб томчи томоса? Кайфиятингиз бузилмай, кўтарилсинми?

— Хайриятки, ёғин-соқинчи кунлар озгина бўлсада ортда қолди, — дейди 64-хонадон соҳибаси Пулато Жумабоева. — Лекин ҳавога ишониб бўлмайди. Билмадим ахвол қачон ўзгариб, «томчи»сиз кунларга етамиз. Негаки, ёмғир-қор ёғдими хонадонимизда беҳаловатлик бошланди. Қўпол қилиб айтганда, чақиллаб сув ўтиб турганидан кейин, уйнингизнинг кўчадан нима фарқи бор? Мана, кўшни уйдагилар ўзлари таъмирлашган эди, барибир чакка ўтиб кетди. Демак, бу ишни ширкат таъмирлашга усталарни ҳаёт этиб бажариши лозим. Ширкат ходимлари эътиборини учун қайтарганина, уларга ишонини, тўловларни вақтида тўлаш, ҳамжихатлик қилиш мумкин. Йўқса шаркатнинг нима кераги бор?

41-уйнинг «Г» йўлагида яшовчи бир гуруҳ хонадон эгалари эса бир неча йилдан буён хонадонларини иссиқлик бўлмаслигидан нолишди. Уларнинг аризаларига эса на ширкат, на

Ширкат — ибратми? МАҚСАДЛАРИ АСЛ БЎЛСА... ЖЎЖА «КУЗ» ДА САНАЛАДИ

Ўзлари бирлашган уй-жой мулкдорлари ширкатига шикоят қила-қила натижага эришолмаган мулкдорлар «Узинг учун ўл етим» қабилида иш тушишга мажбур бўлиши. Ахир «бугун-эрта» билан иш битмайди, вақт эса кутиб турмайди, фасллар алмашаверади. Уларнинг асқарияти ёғинли-соқинчи кунлардан иборат. Уйингдан яна чақиллаб чакка ўтиб турса, ҳаловатинг бузилади-да...

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Миробод тумани бошқармаси эътибор қилиши. Совуқ жонидан ўтган хонадон эгалари эса иссиқлик тўловини бажармаслигини афзал кўришди. «Совуқ уйда ўтириб, иссиқлик учун, яъни кўрсатилмаган хизмат учун ҳақ тўлаш ҳеч кимга ёқмайди», — дейишди улар.

Қарангки, мана шу уйларни ўз тасарруфига олган Мусо Тошмуҳаммад маҳалласи ҳам, «Саодат-тадбиркор» номи жарандор ширкати ҳам 39-уйда жойлашган экан. Шу боис ҳам ана шу мутасаддиларнинг ҳам фикрини билиш кийин бўлмади. Ҳақиқатан ҳам юқоридида хонадон эгаларининг тўлов интизомига риоя этиши, яъни фойдаланиш харажатларини тўлаётганларига

амин бўлди. — Сиз яшовчилар арзаларини тинглаган уйларимиздаги аҳолидан хабаримиз бор, — дейнинг маҳалла оқсоқоли, ширкат бошқаруви раиси Элбек Тухватуллин, — лекин айтиш лозимки, ширкат тасарруфидида 28 та уй бўлиб, ҳозирда энг муаммоли уйлар юқоридидаги кўп қаватли биналардир. Иссиқлик масаласига келсак, бинонинг биринчи қаватида жойлашган «Ўзбегим» супермаркетидида олиб борилган таъмирлаш ишлари бунинг бир сабаби бўлса, иккинчиси, чиндан ҳам ертўладаги қувурлар таъмирталаб бўлиб қолган. Томдан чакка ўтишини инкор этмаган ҳолда шунини айтиш ўринлики, шохўча юзюда жойлашган ушбу уйларнинг тепасига кўпичина реклама панноллари ўрнатилган вақтида зиён етказил-

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

моқда. Уйларда қарздорлик масаласи ҳам йўқ эмас. Ушбу уйларнинг иссиқлик тизими ва томини капитал таъмирлаш режаси бу йилда амалга ошади. Бунинг учун шаҳар ҳокимияти маблағ ажратган ва тубдан таъмирлан умумий смета қийматининг 30 фоизини ширкат молиялаштиришмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардимки, ҳали-ҳамон кўп қаватли уйларда яшовчилар боқимандалик кайфиятидан халос бўлмапти. Мана биргина мисол: 15-уйнинг йўлакларини яқинда таъмирдан чиқариб бердик. Кўрсангиз ҳавасингиз, келадди. Таъмир тугаган айрим хонадон эгалари «Энди фаррош юбориб, зиналарни тозалаб беринглар», дея мурожаат этишди. Буни қандай баҳолайсиз?

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ: ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР



УМУМИЙ МУЛК — БАРЧАГА ТЕГИШЛИ Ширкат ва хонадон эгасининг умумий мулкига нималар қиради ва уни сақлашда қандай ҳисса қўшилади? Акбар УМАРОВ, хонадон эгаси

— Сиз уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлганингиздан сўнг хонадон мулкдорига айланасиз ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, айни пайтда ўзингиз истиқомат қилаётган уйнинг умумий мулкига шерик бўласиз. Ўзингиз яшаётган бинонинг умумий хоналари, зинапоя майдончалари, зиналар, лифтлар, лифт шахтаси ва бошқа шахталар, йўлақлар, техник қаватлари, асосий тўсиқ ва конструкциялар, бир хонадондан кўпига хизмат қиладиган хонадон ташқари-

сидаги ва ичида жойлашган механик, электрик, санитария ва бошқа жиҳозлар уйнинг умумий мулк ҳисобланади. Демак, умумий мулк барча шу бинода яшовчи хонадон эгаларига тегишли бўлиб, уйнинг мулкдорлари уни биргаликда сақлаш шарт. Уйнинг умумий мулкига бўлган улушбай мулк қўқуқ квартирага бўлган мулкчилик ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир. Хонадон эгалари умумий мулкдаги улушларини уни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатлардан иштирок этишдан тўлиқ ёки қисман овоз бўлиш мақсадида хонадонга нисбатан мулк-

чилик ҳуқуқидан алоҳида равишда бегоналаштириши (соетиши) мумкин эмас. Шунингдек, мулкдорларга умумий мулкдаги улуш ажратилиши ҳам мумкин эмас. Мулкдорлар умумий мулкни биргаликда боқариши, ундан фойдаланиши, умумий мажлис қарорига кўра эса умумий мулкнинг айрим объектларини бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришлари мумкин.

Ана шу умумий мулкни хонадон эгалари уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилашган ҳолда биргаликда боқариши мумкин.

Одил Махмудов. — Ўтган қисқа давр мобайнида 2-йўлакда анчадан буён ишламай ётган лифтининг бир маромида ишлашига эришдик, ертўлани ахлатлардан тозаладик. Тўғри, ушбу бино ўз мулкимиз, барча хонадон эгалари мулкдорлар. Шу боис ҳам уларнинг ҳуқуқлари баробарида бурчлари, мажбуриятларини янада яхши ағлашлари самара беришини тушунирмоқ лозим. Лекин бу борада бирмунча муаммоларимиз ҳам бор. Ҳозирда ширкат мулкдорлари ва ража-ражатлари тўловини қўйганича орқали кассага тўлашади. Лекин айрим хонадон эгалари ҳамон аввалги ширкат ҳисобига тўлашсада, бунга у ердаги ҳисобчилар асло моневълик қилишмапти, балки рағбат билдиришяпти.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш ўринлики, ширкат ажралиб чиқиб, умумий мажлис ўтказилгач, унинг қарори ижросини таъминлаш, уй-жой ҳолатини яхшилаш мақсадида шу бинонинг 1-қаватида жойлашган овқатланши шохўчаси ва дўконлар билан ҳам шартнома тузиш лозим эди. Негаки улар ҳам барча коммунал хизматлардан фойдаланаяди, шу ерда фаолият кўрсатгани

учун уйнинг умумий мулкига мулкдор сифатида баравар ҳисса қўшмоғи лозим. Лекин негадир ўтган йил ҳам майлиқия, жорий

лашда иштирок этишлари мажбурийдир», деб алоҳида таъкидлаб айтилган. — Бизнинг «Олмазор-2» шир-

лашда иштирок этишлари мажбурийдир», деб алоҳида таъкидлаб айтилган. — Бизнинг «Олмазор-2» шир-

ҚУРУҚ ВАЪДА ОФИЗ ЙИРТАР

Чилонзор туманининг «Олмазор» мавзесидаги 15/3-уйда яшовчилар бундан бир неча йил аввал яхши ният билан «Олмазор-2» уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлишган эди. Лекин ўтган давр мобайнида бир неча ширкат раиси ўзгаргани билан 1981 йилда қурилган ушбу уйдаги ахвол айтарли даражада ўнганмади, хонадон эгаларининг ишончи тўла оқланмади.

Йилда ҳам улар ширкат раисининг мурожаатларини беэътибор қолдиришмоқда. Ваҳоланки, Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бора-бора қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳам «Кўп хонадонли уй-жой биналарида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкни сақлаш ва таъмир-

«Тошкент оқишони» га жавоб берадилар «ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ» Газетамизнинг 2005 йил 16 март сонидида «Эътиборсизлик оқибати» сарлавҳали суратли танқидий лавҳа эълон қилиниб, унда Миробод тумани, А.Фитрат кўчасида жойлашган 40-«Б» ҳамда 40-«В» уйлар атрофидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапирилган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи вази-фасини бажарувчи А.Ҳўжаев имзоси билан қўйидаги жавоб хати олинди.

Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 40-«Б» уйнинг 82-хонадон эгаси томонидан уйнинг олди қисмида автомашиналар юрадиган йўлни 2 метрга тўсиб олиб, панжара ўрнатилганлиги ҳақида «Тошкент оқишони» газетасида чоп этилган «Эътиборсизлик оқибати» мақоласи атрофида ўрганиб чиқилди. Ушбу муаммога нисбатан Миробод тумани жиний ишлар бўйича судига юборилди. А.Фитрат кўчаси, 40-«В» уй ховлисида жойлашган темир-терсақларни олиб ташлаш ҳақида «Ораз» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбариятига тегишли кўрсатмалар берилди.

Кўшимча шунини маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой ко-

дексининг 5,11,24,128, 138-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги Қарорига асосан, юқоридида қўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва уларга нисбатан ишчи-ишчи чоралар кўриш уй-жой мулкдорлари ширкатига юклатилганлигини билдираимиз.

ТАХРИРИЯТДАН: Ушбу кўрсатмалар юзасидан қўрилган чора-тадбирлар ижроси ҳақидаги жавобларни эса 40-«Б» ҳамда 40-«В» турар жой биналари бирлашган уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутасаддилари беришадиди, деган умиддаимиз.

ҲАМЖИХАТЛИК АСОСИДА

Президентимизнинг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бора-бора қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Бектемир туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Тумандаги аввал мавжуд 8 та ширкат бугунги кунда 12 тани ташкил этиб, «Сувчи-сервис», «Дўстлик идеал», «Бўстон люкс» ҳамда «Бектемир коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатлари янгидан ташкил топди. Уларга раҳбарларни кўпчилик аҳоли ўзи сайлагани ҳам эътиборга лойиқ.

Тумандаги 179 та кўп қаватли уйлардан 102 тасининг йўлакларни 104 та хомий ташкилотлар томонидан капитал таъмирдан чиқарилганини айтиш жоизки, бу албатта, ибратли ташаббусдир. Шу кунгача хомийлик томонидан 100 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ушбу мақсадларга сарфланди. Айниқса, бу хайрли юмушларни сифатли бажаришда тумандаги «Фаолтран», «ШАМД», «АТЭЖ», «Фулом» масъулияти чекланган жамиятлари, «Норуд» очик акциядорлик жамияти, «Мотор заводи» акциядорлик жамияти, «NORTH STAR» кўша корхонаси, 1-автокорхона каби кўплаб корхона, ташкилот, фирмалар муҳим ҳисса қўшмоқдалар.

Уларнинг ёрдами тўғрисида бугунги кунгача кўп қаватли уйларнинг 442 та йўлга таъмирдан чиқарилди. Режага кўра ишлар май ойида поёнига етказилди.

— Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари таркибига таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, пудрат ташкилотлари киргани эътиборли, — дейди уюшма раҳбари Клара Сахарова. — Биз нафақат ширкатларни бирлаштиришга эришдик, балки маҳаллий

ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда умумий муаммоларни хал этишга имкон яратилди ҳамда асосийси, тумандаги давлат ҳокимияти органлари билан ҳам мустақил алоқа ўрнатмоқдамиз.

Айни ҳамжихатлик, уюшқоқлик тўғрисида тумандаги 172 та ноқонуний қурилишлардан 156 таси бузиб ташланди ҳамда ахлат, чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Бу юмушларни амалга оширишда туманнинг муҳандислик хизмати, туман ИИБ ходимлари, прокуратура, солиқ идоралари, «Роҳат», «Миришкор», «Мазрифат» маҳаллалари оқсоқоллари ва фаолларининг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бизга хабар беришларича, тумандаги кўп қаватли уйлардаги узок вақт ишламай, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлган лифтлар жорий йилда тузилган шартномага асосан, «Лифтмонтаж» ишлаб чиқариш фирмаси мутасаддиларининг саб-ҳаражатлари тўғрисида яна ишлаб бошлади ва фуқароларни мамнун этмоқда.

Бундан ташқари, тумандаги кўп қаватли уйлар атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Кўплаб терак, игна баргли дарахтлар, гул ва буталар ўтказилди. Бектемир туманини айлансангиз, бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз. Албатта, ушбу бажарилаётган юмушларда яшовчиларнинг ўзлари ҳам фаолроқ бўлишса, мақсадга мувофиқ бўларди. **Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Оила даврасида сўхбатлар

Турмуш горраҳаларида

ҚАЙНОТА ҲАМ ОТА

Қайнотали уй файзли, тароватли бўлади. Хонадон султони бўлмиш қайнота борки рўзгор бут, машаққат кам бўлади. Эшикдан алп қомат қайнота кўлида икки халта нарса билан кириб келса, бунга нима етсин. Қайнотанинг бир сўми ҳам барака...

Шундай пайтларда зукко қайноналар: «Зримикини уйнаб-уйнаб ейман, ўғлимкини уйлаб-уйлаб ейман», деган пурмаъно гапларни айтишса, баъзи келинлар тушунмай:

— «Чолини мактагани-мактаган, ахир ўғли ҳам топиб-тутиб келяпти-ку» деб ичиди қайнонаси, қайнотасига нисбатан тугён уйғонади. Уйлаб кўринг, қайнотанинг ҳазил гапининг нимаси ёмон? «Ижир-чикирни ёмонликка буриш ёмон одат — бу қилиқ бермас инсонга ҳеч саодат».

Қайноталар бор экан, хонадон мустаҳкам устунга эга, қайнона бор экан, оила ҳаммаша буюсон.

«Катта карвон» қайноталар ҳаммаша бор бўлишини. Энди ҳар оиланинг ўз ички тартиби, удуми бўлиши ҳақида икки оғиз сўз:

— Хой онаси, анави келиннингга айт, унар-унмасга гугурт қақиб газни ёқавермасин. Ахир газнинг бир томони ёқилғиқ турибди-ку, гугурт чўлини ёндириб, иккинчи томонини ёқса бўлмайди?

— Кеча чақилган гугурт чўлларини санасам, нақ 21 та-я, одамда ақл, фаросат деган нарса бўлади-ку, бўлмаса сен унга ақл ўргат, — деб келиннинг норози бўладиган қайноталар ҳам йўқ эмас. Лекин ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, қайнона-қайнотанинг келинга нисбатан бундай муносабати нотўғри, ахир инсон қадр би гугурт чўлидан аъло бўлмас? Келин картошка, пилёз, сабзи артиб, пўногини чеклака ташласа, қайнота яна уларни кўриб:

— Юпқа артишини онангиз ўргатмаган эканда? — деса, келинга оғир ботмайди? Яхши ният билан бир оилага борса-ю, уни ўтирса бўлиб, турса сўпқ, деб камситаверсалар, бунда қандай ҳаёт бўлади? Ота-онасининг келинга қилаётган муомаласини эшитган, гоҳида шохиди бўлган ўғил кимнинг тарафини олиши керак?

Ҳаётда майда-чуйда нарсаларга эътибор қилиб, йирик нарсалардан кўрүк қолиш ҳоллари кўп бўлади.

Миллатимиз томирида «улугворлик» деган фазилат бор. Бу фазилат айниқса оиладаги ота — қайноталарга хос ва мос ҳислат... Келинга она бўлишдан ортиқ бахт йўқ, Фарзандларингиз сони биттага кўпайса, тайёргина бир дастёр олдингизда савлат тўкиб югуриб, елиб, хизматингизни қилса-ю, яна сиз ундан нуқсон кидирасиз-а? Бу бандга ҳам, Оллоҳга ҳам хуш кўринмайди.

Қайнота исми авлоддан-авлодга қолади, бу инсон учун катта иноят-ку. Кечагина ўз отаси исми билан юрган қиз энди, сизга фарзанд бўлиб келди, ҳатто фамилиясини ўзгартди-я? Бу ўзбек халқига хосдир. Бошқа халқларда бунга унчалик эътибор қилинмайди. Қизлар келин бўлган ҳам ўз отасининг исмида қолишни афзал кўрадилар. Бир таъзияга борганимда шу хонадон келини бўзлаб йиғларди:

**Хонлар билан хонлашган,
Беклар билан беллашган,
Доно бўлиб сўзлашган
Келиним деб «Сизлашган»
Вой, отам, вой отажонимей...**

Келиннинг юрагидан сизиб чиқаётган сўзлар ноласи таъзияга келганларни хўн, хўн йиғлатди. Чунки бу гаплар унинг юрак қаъридан чикмоқда эди-да...

«Балли» дедим бу келинга, сени вояга етказган ўз ота-онангга раҳмат, қолаверса қайнотанг сендан рози бўлиб кетибди-да...

Ўз ҳурмат, иззатини билган инсонлар ҳаётда завол тогмайдилар. Ўз фарзанди бўлса ҳам, фарзанд орқасидан келган келинга ҳам чин маънода оталик қилса қандай яхши!

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

У кетди. Бутунлай кетди. Эр буни юракдан ҳис этар, ҳис этардию, баттар эзиларди. Қани энди иложи бўлса хотинининг оёқлари остига йиқилса, кўлларидан ўпиб кечирим сўрса. Афсус вақт ўтган, энди бари фойдасиз эди. Хотини «тўнини» бутунлай тескари кийганди. Энди эрини кечира олмасди. Ахир у кечира-кечира шу кунга етиб келди. Охир-оқибат эридан ноҳақ ҳақорат эшитди.

Хикматжон Махбубанинг орқасидан мунгайиб термулиб қоларкан, у билан ўтган бахтиёр дамларини аслади. Эсладию беихтиёр оҳ уриб юборди. Қалб тубидан чиққан бу нилода муҳаббат ва армон муҳассам эди. Қани уша ширин онлар, қайноқ бўсалар, эхтирослар. Ушанда Махбуба институтнинг бешинчи курсида ўқирди. Хикматжон эса поликлиникада ишларди. Ҳар кун ишдан чиқардию, «тап босди» қилгани олдин буфетга, кейин эса Махбубанинг олдига чопарди. Шундай кунларнинг бирисида Махбуба қисилиб, кимтаниб сўз отиб қолди.

— Нега ҳар кун ичиб келасиз? Хикматжон бир зум каловланиб турдида қулиб:

— Муҳаббат дардида, сизинг

АЙБСИЗ АЙБДОР КАТРА

ҳажрингизда ичаманда, — деди. Махбуба мамнун жилмайди. У бу сўзларга юракдан ишонди. Кўп ўтмай тўйлари бўлди. Севимли ёр висолига етишган куёв йигит анчагача ичмай юрди. Кейин оз-оздан ичадиган, бора-бора эса оёқда туролмайдиган даражада ичиб ярим кечада уйга қайтадиган бўлди.

Махбуба ҳаммасига чидади. Нима қилсин. Ўзи суйган ош. Айланч ҳам, ўргилиб ҳам ичди. Орадан йиллар ўтса ҳамки, улар фарзанд кўришмасди. Хикматжон баттар ичкиликка ружу қўйди. Хотини тежаб-тергаган кезлари ичиш сабабини фарзандсизликка йўйди.

БОБУР МИРЗОНИ ТУШУНГАН БАХШИ ЙИГИТ

Бундан беш йил муқаддам Санъат институтига дўмбирасини кўлтиқлаб бир жиккакина абитуриент келганида кўп ўқитувчилар уни назарига олишмаганди. Омади келиб у институтнинг мусиқали драма бўлимига қабул қилинди. Кўпинча ҳаёл оғушида юрадиган бу талабаман, ҳар актёрлик маҳорати дарсида саволга тутаман. Босиқлик билан жавоб қайтаради. Кўшиқ сўрайман. Дўмбирасини кўлига олиб бахшиёна ашуласини бошлайди. Тўхтатаман.

— Йўқ домла, сўрадингизми, энди охиригача эшитасиз, — дейди у.

Дўмбирасини чертиб-чертиб айтади: Достонлардаги қаҳрамонларни тасвирлаб, кўз олдимизга келтириб айтади. Биз ҳам берилиб эшитамиз.

Актёрлик маҳорати дарсимиз кўпинча унинг хиргойисси билан ўтади. Талабалар курсдан-курсга ўтар экан, ҳамма бир-бирини яхши англагандек бўлади. Мен эса ўқитувчи сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам ҳар бир талабамга синчковлик билан ёндошиб бораман. Уларда ўзлигини ахтараман. Ўзларига ўзларини таништира бошлайман. Улар орасида барибир бахши талабам бошқача. Унинг ўз дунёси бор. Нимадир билан банд. Нималарнидир ўқийди, ёзади. Баъзан саволга тутайди мени. Ёзган шеърларини эшитишимни истайди. Ранг-баранг китоблар мутолаа қилиб келади.

Курсдан курсга ўтгани сари кўпчилик талабалар мусиқали драмада кўчсизлигини ошқор эйтиб қолишади. Шундай кезларда кимлар курсдан кетади,

кимлар эса драма бўлимига ўтиб ўқишини давом эттиради. Сийрақлашиб қолган шоғирларим орасида бахши йигит барчага ўрناк.

Шу кезлари курс иши сифатида Комил Яшин ва Тўхтасин Жалиловларнинг «Нурхон» мусиқали драмасини сахналаштиришни ихтиёр этдик. Бахши йигитга энг мураккаб образ — Хожи ота образини топширдик. Тан олиш керак, у ушбу образни маромига етказиб бажаришга ҳаракат қилди. Қийналди, машқ қилди, сўради, ўрганди. Ниҳоят спектакль кўригиде мутахассислар айнан шу талаба талқин этган ролнинг маромига етганлигини қайд қилиб ўтишди.

Ниҳоят охиригиз курсларда Хуршид Даврон ва Бахрулла Лутфуллаевларнинг «Бобуршоҳ» мусиқали драмасини кўлга олдик. Бобур Мирзо ролини кимга топшириш ҳақида узоқ бош қотирдик. Ниҳоят ўйлаб-ўйлаб ушбу ролни бахши йигитга ишониб топширдик. Чиндан ҳам у ишончимизни оқлади. Бобуршоҳнинг инсоний туйғулари ўзига хос тарзда талқин эта билди. Бу сафар ҳам мутахассислар бахши йигитнинг маҳоратига тан беришди.

У омадли экан. «Ниҳол» театр фестивалида мана шу ролни учун «Энг яхши эркак рол» деган сертификат дипломини қўлга киритди. Бахши йигит — Одил Эргашев ҳозирги кунда Муқимий театрида ижодий фаолиятини бошлади.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

ТУШИМДА

(Тушга айб йўқ)
Ажаб, май ичибман,
тўйиб ва тўйиб,
Мирзо Ғолиб каби
турибман беҳол.
Ай, рақиб, вайсама,
асабга тегиб,
Рухимда майдалаб
ёғаетир-қор.
Бу мискин мисралар
сенгамса эй дўст,
Бу сенинг шаънингдан
жуда ҳам йироқ.
Қалб кўзим боққанда
кељаққ томон,
Йўрға вақт шаънига
тўқилмиш фироқ.
Не, не олимлару не,
не шоирни,
Вақт қолиб кетганда

алам қиларкан.
Тангрим, қорганингдан
инсон лойини,
Жисмини мангуроқ
этсанг бўларкан.
Инсон тафаккури
етилган чоғда,
Айламоқ шартмиди,
оғиз нотавон?
Буюк бунёдларни
қолдириб доғда,
Қитмири табиат
оларми ором?..
Биламан, истаган
чоғда олурсан,
Йўруғ бермоқликка
йўқдир ҳеч асос.
Истасанг минг йиллик
нурга қорурсан,
Билгувчи ўзингсан,
зарангмиз холос!!!
Турсун МУҲАММАД

кунни Хикматжон яна ичиб келди. Оғиздан боди кириб, шоди чиқди. Махбуба ҳам энди чидай олмади. Алам устида аччиқ гапириб юборди.

— Ҳали шунақами, — деди Хикматжон кўзлари ёниб. — Бўпти. Жуна, кетавер. Ўзим ҳам олдинроқ айтмоқчи эдим буни. Менга сендака мевасиз дарахтнинг кераги йўқ.

Махбуба ҳаммасини кечирishi мумкин эди, лекин бунисини кечира олмасди. Наҳот эри ўз айбини хотинига агардас? Наҳот шунча йиллар Махбуба авайлаб-асраб келган чинини бир ноўяга ҳаракат билан синдириб қўйса? Энди уни ямаб бўлмайди. Ҳар қанча чегалаганинг билан барибир чегаси кўриниб туради.

Махбуба кетди. Эр ўзини кўярға жой тополмас, бошига балорлар тошини ёғдирган ичкиликни дил-дилидан ланъатларди.

Максуд ОРИПОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУҶ...

● Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоийм қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тadbир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-тадбир кўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунинчи айтдилар:

**Душман иши аввал
ҳийла-ю найранг,
Сўнг ҳужум бошлайди
қилади гаранг.
Бу селнинг йўллари
тўсилмаса гар,
Юзланар беҳисоб
фитна-ю зарар.
Фитна йўлин бугун
тўсмасан маҳкам,
Эртага кучаяр
бўлиб мустаҳкам!**

● Айтдилар:
— Ақли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, кўрқок, Бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

**Ҳар киши ўз ақлидан
оғоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳлиги
гумроҳ бўлар!**

Душманнинг эса сенинг зарар топишингни ўйлайди.

**Ҳар киши ўз душманини
кўчсиз санар,
Бир кунни кучли
зиёнидан ёнар!**

Ҳасадчи эса бор-шудиндан аҳралишингни истайди:

**Ким ҳасад қилса
бировнинг молига,
Охири бўлғай анинг
вой ҳолига!**

Ёлгончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:

**Кимки ёлгон сўзласа
ризқи кетар,
Бир кунни ёлгон сўзи
бошга етар!**

Кўрқок эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўлашга ҳарисманд бўлади ва ундан бирова фойда етмайди:

**Молу ҳолинг аслида
душман эрур,
Зоҳиран боқсанг неча
равшан эрур!**

Нафсига берилган киши хою-ҳавасининг асрини билиб нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:

**Меҳнатинг бирла
нафсага бер жазо,
Қилмасин токи
балога мубтало!**

● Айтишларича, Гаштосиб кунлардан берида ўз ватанидан айрилиб, Кустанания шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ёйишга нарсаси тополмай, оқ қолди. Бировдан сўради десам, иззат-нафси йўл бўлмас эди. Унинг ёнидаги ёлғизлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четига жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясарларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мулча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп ўйлаб ўтирмай темирчилар олдида борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингизга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёш қарини касбу ҳунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида ҳунар ўргатишга фармон берди.

Дунёнинг исқитиги
мўъжизаси

АРТЕМИДА
ИБОДАТХОНАСИ

Шундоққина Эгей денги-зи сохилларида жойлашган Эфес шаҳри эрамиздан аввалги XII асрда юнонлар томонидан асос солинган бўлиб, ўша пайтларда шаҳарнинг ҳомийси илоҳа Артемида ҳисобланарди. Унинг шарафига эфесликлар шаҳар яқинида дунёнинг етти мўъжизасидан бири — маҳобатли ибодатхона куришга қарор қилишди.

Ибодатхона курилишига бош этиб тайинланган таниқли меймор Харсифон уни мрамардан тиклашни таклиф этади. Бирок, яқин ўртадан мрамар топиш мушкул эди: узокроқдан келтириш эса машаққатли бўлиш билан бирга, анча қимматга тушарди. Ҳамма бу масалани қандай ҳал қилиш тўғрисида бош қотириб турган бир пайтда шаҳар яқинида қизик воқеа содир бўлди.

Ўтлоқда сурув боқиб юрган бир чўпон икки кўйнинг ўзаро уришаётганини пайкаб қолади. Шунда кўйлардан бири рақибини сузиш учун бор кучи билан ҳамла қилади ва янглишиб соҳилдаги қояга шохи билан урилади. Бундай қаттиқ зарба туфайли қоядан кичик оқ бўлак кўчиб тушади. Тош парчани кўлига олган чўпон қувониб кетади ва подани ҳам унутиб шаҳар томон югуради. Шаҳарлар уни зўр қувонч билан кўтиб олишди. Ахир, бу тош парча мрамардан нишона эди-да!

Шундай қилиб ишлар бошланиб кетди. Ибодатхона курилиши учун танланган жой бутқоқлик бўлгани сабабли, пойдеворга кўмир ва жун аралашмаси ҳам қўшиб юборилади. Курилиш роппа-роса 120 йил олиб борилди. Харсифон вафот этгач, унинг ишини Пеонит ва Деметрийлар давом эттиришди.

Эрамиздан аввалги VI асрда Лидия шоҳи Крез Эфесни босиб олаётди, ҳали битмаган ибодатхонани кўриб қолади. Фотиҳ ўз хайратини яшира олмади ва курилиш якунланиши учун катта эҳсон беради.

Ниҳоят, эрамиздан аввалги 550 йилда гўзал ва маҳобатли ибодатхона буй-бастини бори-ча намоён этди. Унинг ҳажми 110x55 метр бўлиб, томонларига 127 та устун ўрнатилган эди. Артемида ибодатхонасига келган одамлар ҳам тоат бажо келтирар, ҳам уни завқ билан томоша қилишар эди. Бу ҳолат 200 йил давом этди. Эрамиздан аввалги 356 йилнинг тунларидан бирида Геростат исми телбанамо киши ибодатхонага ўт кўйиб юборди. Натижада ибодатхона жиддий шикастланди. Бирок, эфесликлар меймор Хейрокрот бошчилигида уни қайтадан тиклашди. Ибодатхона янада гўзалроқ бўлиб қолди — ичига мрамар плиталар тўшалди, асосий залга эса Артемиданинг олтин қимматбаҳо тошларга бурканган ҳайкали ўрнатилди. Ибодатхонани безашда машҳур юнон ҳайкалтарошлари ва мусаввирлари қатнашдилар.

Ибодатхонада коҳинлар ҳамда бошқа одамларнинг бойликлари сақланар эди. Унинг худудда одамлар илоҳа Артемиданинг ҳимояси остида ҳисобланар, бу ерда жиноятчи-ни ҳам, қочқоқ кулни ҳам ушлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

Эрамиздан аввалги 263 йилда ушбу обида готлар томонидан таланди. Мрамар тўшамалар Византияга олиб кетилди. Кейинчалик Артемида ибодатхонаси Рим императори Нерон буйруғига кўра бузиб ташланди. Унинг қолдиқлари XIX аср охирига келибгина топилди.

Халқимиз азал-азалдан меҳр кўрсатиб, инсонларни бир-бирига биродар қиладиган умумбашарий фазилатларни, қадриятларни улуглаб келган. Айниқса, қалби кемтик, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабардор бўлиш муқаддас бурч саналади.

МАҲАЛЛАДА МУРУВВАТ ТАДБИРИ

Акмал Икромов туманидаги Абдулҳай Тожиев маҳалласи фаоллари яқинда хайр-ли ишга қўл урди. Ўз имкониятлари, ҳомийлар кўмаги, саховатпеша инсонлар ёрдами билан маҳалла гузаридаги «Муродхўжа ота» чойхонасида бир пиёла чой баҳонасида шу ерда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ўзаро мулоқоти бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан эса кишилар ўртасида танқислашиб бораётган меҳру мурувватни тарғиб этиш, миллатимизга хос бўлган фазилатларни улуглаш, бир сўз билан айтганда ажодларимизнинг ас-

рлар давомида эъозлаб келган урф-одатларига ҳурмат ва эҳтиромни амалий тарзда кўрсатиш каби эзгу мақсадлар кўзланди.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, савоб ишни ҳар соғия, ҳар дақиқала амалга ошириш лозим. Шу маънода Абдулҳай Тожиев маҳалласида яшовчи 20 та кам таъминланган, иқтисодий ночор оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Хайрия тадбири кунни 400 кишилик дастурхон ёзилди. Дастурхонга баҳорий таомлар, ҳалим тортилди.

— Мен бу йил 80 ёшни қарши олмоқ-

ламан, — дейди тадбир иштирокчиси Салим ота. — Мустақиллик йилларидаги каби Инсонни улуглайдиган, уни жамаиятнинг ажралмас қисми сифатида қадрлаб, эъозлайдиган кунлар келишини фақат орзу қилардик. Шу кунларга етказганига шукр.

Дарҳақиқат, замон ўзгарди. Одамлар ўзгармоқда. Шу маънода кишилар ўртасидаги умуминсоний тамойиллар ҳам ўз қадр-қимматини юксалтириб бораётди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: маҳалладаги мурувват тадбиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Анжуманлар

СТРАСБУРГ
УНИВЕРСИТЕТИГА
ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида таржима ва малакали таржимонлар тайёрлаш масаласига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда инглиз, француз, немис тилларидан бевосита таржималар қилиш борасида республикамизда орттирилаётган тажрибалар ҳақида ҳам яхши фикрлар билдирилди.

Анжуманда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан таржимачиликни ривожлантириш бўйича янги лойиҳа тайёрлангани ҳам маълум қилинди. Бу нуфузли лойиҳа бўйича Ўзбекистонда таржима ишларини кенг йўлга қўйиш билан боғлиқ қатор ижодий жараёнлар амалга оширилади. Ўзбек, рус ҳамда қатор хорижий тилларни яхши ўзлаштирган мутахассислар учун танлов ҳам ташкил этилади.

Бу маҳорат кўригидан муваффақиятли ўтган голиблар Страсбург университетида билим ва ижодий кўникма ҳосил қилиш учун йўлланмани қўлга киритадилар.

Анвар ВАЛИЕВ

Пекинда ўзбек суратлари намойиши

Яқинда Пекиндаги «Мингйиллик ёдгорлиги» кўргазмалар марказида «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» номи кўргазма ниҳоясига етди. Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар тарихи солномасидаги муҳим воқеалардан бири бўлиб қоладиган ушбу тадбирда замонавий ўзбек фотографияси асосчилари ва таниқли сурат усталарининг 150 та иши намойиш этилди. Уларда XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярмидаги тарих ўз ифодасини топган. Кўргазмага қўйилган ишлар Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузурдаги Тошкент фотография уйи ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан тайёрланган «Ўзбек фотографияси 125 ёшда» номи антология жилдидан жой олган.

Кўргазмага халқаро ташкилотлар, ХХР сиёсий, илмий, дипломатия доиралари, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ҳамда икки мамлакат

маданият намояндалари ташриф буюришди.

Кейинги пайтларда халқларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. — деди Умуҳмитой халк вакиллари йиғинининг Доимий кўмитаси раиси ўринбосари Исмоил Аймак. — Ушбу кўргазма Хитой халқига Ўзбекистон маданияти билан яқиндан танишиш имконини бергани билан бирга ўзбекларнинг бой маданий меросига бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Утган йил июнь ойда Тошкент ва Самарқандда бўлиб ўтган Хитой маданияти кунлари давомида Ўзбекистон халқи ҳам дўст хитой халқининг санъати, урф-одатлари ва бой аъёналари билан яқиндан танишган эди.

Жорий йил май ойда Хитойда ўтказиладиган Ўзбекистон маданияти кунлари олдидан ушбу фотокўргазма ўзига хос анжуман бўлди.

«Жаҳон» АА.

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилаётган китоблар ўз мундарижаси билан ҳам эътиборни ўзига тортмоқда. Жаҳон маданияти тарихига оид адабиётлар ҳам китобхонларда қизиқиш уйғотмоқда.

ТУРКУМ АДАБИЁТЛАР

Ижодий уй жамоасининг «Мумтоз адабиёт» туркумида чиқарган китоблари ҳам муҳлисларга яхши соғва бўлмоқда. Бу саъй-ҳаракат жараёнида яна қатор туркумлар юзгага келди.

«Ўзбек адабиёти», «Болалар адабиёти»,

«Халқ оғзаки ижоди» каби туркумлар шулар жумласидандир. «Таржима адабиётлар» туркуми ҳам йўлга қўйилди. Бундан ташқари китобхонларга «Санъат» туркумидан ҳам бир неча қизиқарли адабиётлар тақдим этилди.

Аҳмад АББОСОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Шароф Рашидов кўчасининг А.Навоий кўчасидан А.Қодирий кўчасигача бўлган қисмининг ёпилиши сабабли 57-автобус йўналиши қатнов йўли 2005 йил 13 апрелдан бошлаб қисман ўзгартирилади ва қатновлар Хуршид кўчаси орқали Зулфияхоним, У.Юсупов, А.Навоий, Ш.Рашидов кўчалари орқали бир томонлама бориб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади. Орқага қайтишда Ш.Рашидов кўчасидан бошланиб, А.Навоий, У.Юсупов, А.Қодирий кўчалари орқали юриб, ўзининг илгариги йўналишида давом этади.

«Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компанияси



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
республика бирлашмаси

Тошканбой Эгамбергуев номидаги Тошкент Давлат цирқи

2005 йил 18 мартдан
Диққат! Диққат!
КУТИЛМАГАН ВОҚЕА

Тошкент Давлат цирқида
ПАРИЖ-ТОШКЕНТ — ИСПАНИЯ
транзит йўли асосида жаҳонда ягона
РЕВЮ МУЗ ШОУСИНИ

18 мартдан бошлаб томоша қилишга шошилинг!
Цирк кассаларида ҳозирча чипталар бор.
Жума, шанба, якшанбада
Биз Сизларни ўз Шоумизда кутамиз Келганингиздан афсусланмайсиз!!!
Томошаларга жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эрталабки соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар:
144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

С.Раҳимов туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 133-72-80, 133-51-46 телефонлари орқали қабул қилинади.

Спорт

**ВОЛЕЙБОЛ
ФИДОЙИСИ
ҚУТЛАНДИ**

Спортда юсак чўққиларни забт этиш инсондан мақсади сари тинмай изланиш, интилишни, бир сўз билан айтганда, фидойиликни талаб этади. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси вице-президенти, шу билан бирга шахримиздаги волейболга ихтисослашган 6-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият юритаётган икки карра олимпия чемпиони Вера Дуюнова ни ҳам шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин.

1968 йилда Мехико, 1972 йилда Мюнхен шаҳарларида ўтказилган Олимпияда уйинларида ғалаба нашидаларини суриб, икки карра олимпия чемпиони бўлган, жаҳон чемпионлиги ва дунё кубоги соҳиблигини қўлга киритган энг муҳими бутун фаолияти давомида асосан битта клуб — Тошкентнинг «Автомобилчи» жамоаси шарофтини химоя қилган ушбу маҳоратли спортчи, тажрибали мутахассис кўп йиллардан буюн юртимизда олимпия харакатини ривожлантириш, спортнинг волейбол турини болалар ўртасида янада оммалаштириш ишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўни кеча Олимпия шон-шухрати музейида юртимизда волейбол ривожига улкан ҳисса қўшган захматкаш мутахассис Вера Дуюнованинг 60 йиллик таваллуд кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан В.Дуюованинг сафдошлари, мамлакатимиз спорти мутасаддилари, ҳамкасблари, шогирдлари улкан спортчини кутлуг ёши билан чин кўнгилдан кутлашди. Унинг ҳаётидаги ғалабали онлар ёдга олинди.

Уйлаймизки, болалар спортини ривожлантириш, кенг омма айланишга ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасидаги салмоқли хизматлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб баҳоланиб, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган. «Халқ таълими аълочиси» унвони соҳиббаси Вера Дуюнова ҳали кўп йиллар давомида мамлакатимизда олимпия харакати ва спортини ривожлантириш ишларига ўз ҳиссасини қўшади.

(Ўз мухбиримиз)



Тазквондо

НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Шаҳримиздаги «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида икки кун давомида тазквондонинг ИТФ йўналиши бўйича Амир Темур кубоги халқаро мусобақалари бўлиб ўтди.

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида илк бор ташкил этилган нуфузли турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия вакиллари бўлмиш олти юзга яқин тазквондочи ўз куч-маҳоратларини кўрсатиб, ғалаба учун кураш олиб борди.

Мусобақа доирасида йиғилганлар 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар — қизил ва қора белбоғлар соҳибларининг тазквондонинг тил ва масоғи каби усулларини қанчалик ўзлаштирганликларини катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Республика вилоятлари иштирокини назарда тутар эканмиз, ўсмирлар ўртасида ҳам, қиз бо-


лалар баҳсида ҳам Тошкент шахри ва вилояти вакиллари тенг келадиганлар топилмади. Хусусан, С.Хегай, Б.Бектаев, Ф.Серманов, А.Ажибекова, У.Жалилов, С.Усмонов, Д.Рафиқов, Д.Соатова, У.Машрабова, Г.Хегай, Б.Нишоновна, Д.Раҳимова каби пойтахт шахри ва вилоятилик ёш тазквондочилар ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Ака-сингил С.Хегай ва Г.Хегайлар «Энг яхши техник маҳорати учун» махсус соврини билан тақдирланишди.

Умумжамоа ҳисобида эса мамлакатимиз терма жамоаси спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Қозоғистон яққакурашчиларига насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: халқаро турнирдан лавҳалар
Алексей Попов олган суратлар



Сўқибол

**ЙИРИК
ҲИСОБДАГИ
ҒАЛАБАЛАР**

«Бухоро» — «Пахтакор» ҳамда «Насаф» — «Кизилқум» жамоалари учрашувлари билан мамлакат XIV миллий чемпионати иккинчи тур баҳслари нихоясига етди.

Осиё чемпионлар лигаси турнири гуруҳ баҳсларида анча муваффақиятсиз қатнашаётган мамлакатимиз чемпиони «Пахтакор» миллий чемпионати кўтаринки рунда, аjoyиб ғалабалар билан бошлади. Биринчи турда «Сўғдиёна» жамоасини ўз майдонида йирик 5:0 ҳисобида мағлуб этган тошкентлик чарм тўп усталарига сафарда «Бухоро» жамоасини енгил кийинчилик туғдирмади.

Очигини айтганда, мутахассислару мухлислар «Пахтакор» жамоасининг сафарда йирик ҳисобда ғалаба қозонишини кутмаган бўлишлари табиий. Сабаби Усмон Тожев бош мураббийлигидаги «Бухоро» жамоаси ҳам мавсумга жиддий ҳозирлик кўрганди. Бироқ, пахтакорчиларнинг тезкор ҳужумлари, аjoyиб комбинациялари мезонларни расомага солдими, ҳар ҳолда 90 дақиқа ичида бухориликлар ўз дарвозалари тўридан саккиз марта тўп олиб чқкишди, пахтакорчилар дарвозаси эса даҳлсиз қолди.

Биринчи турда чиройли голларни дарвозага Понмарёв (2 та), Ашурматов, Исоков, Гейрих ва Солиев (3 та) йўллашди.

Шунингдек, «Насаф» — «Кизилқум» учрашуви 4:0 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Кўрғазмалар

Шу кунларда миллатимизнинг фахри, гурури бўлган буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган кўпгина тадбирлар ўтказилмоқда.

**САРА ИЖОД
НАМУНАЛАРИ**

Жумладан, Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида «Темурийлар шаҳараси ва темурийликлар» мавзуда кўрғазма очилди. Кўрғазма республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 669 йиллигига бағишланди.

Кўрғазма очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Езувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Ўзбекистон халқ

рассоми Малик Набиев ва бошқалар истиқлолга эришган дастлабки даврларданқ улуг аждодларимиз номини тиклаш, хотирасини абадийлаштириш, халқимиз, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга эътибор берилган бошлаганлигини фахр билан таъкидлаб ўтишди.

Ушбу янги кўрғазмадан юртимизнинг таълиқли мўйқалам усталари қаторида, ёш истеъдодли рассомларнинг ҳам ижод намуналари жами 50 дан ортиқ Темур ва темурийлар даврига оид асарлар ўрин олган. Улар орасида Раҳимжон Ризамухамедовнинг «Аҳмад Яссавий мақбараси», Малик Набиевнинг «Амир Темурнинг ёшлиги», «Биҳоним портрети», «Тожмаҳал», Имар Мансуровнинг «Саркарда», Шавкат Музаффарнинг «Гўзал», Нодира Орипованинг «Дурдоналар», Низомиддин Абдусаломхўжаевнинг «Туркистон» каби асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Юлдуз УСМОН

Лайиҳалар

АФАНДИНИНГ ПИЧИНГИ

Афанди хотини билан цирк уйинларини томоша қилиб ўтирган экан. Томоша майдонига олдинма-кейин икки полвон кириб келибди. Улардан бири бир сакраб шеригининг қафтига чиқиб олибди. Шу пайт шифтда аргимқоқда ҳар хил уйин кўрсатаётган аёл юқоридан секин тушиб иккинчи полвоннинг бошида тик туриб олиб, қизик уйинлар қила бошлабди.

Аёлнинг уйинларини маҳлиё бўлиб қўриб ўтирган Афанди хотинига:

- Мен сендан хафа бўлмасам ҳам бўлаверар экан.
- Нимага пичинг қилаяпсиз, — дебди унга хотини.
- Менку битта одамман, мана бу аёлга қара, бир эмас, икки азаматнинг бошига чиқиб олди-я.

ЎЗИМГА ҚЎЙИБ БЕР

Афанди ўзи хақида ёзилган комедияда ўз ролини уйнайдиган бўлибди.

Спектаклини сахналаштираётган режиссёр ўтириб олиб:

- Мулла Насриддин ака, сахнага бундай кирасиз, бундай чиқасиз, соқолингизни бундай тутамлайсиз, Бекка бундай таъзим қиласиз, деб ақл ўргата бошлабди.
- Менга қара ука, — дебди Мулла Насриддин режиссёрга, — мен Афандими ёки сенми?
- Сиз Афанди, — дебди режиссёр.
- Булмаса, ўзимга қўйиб бер.



Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги «ИБН СИНО» номли маданият ва спорт маркази кекса санъаткор, «Баёт» халқ студиясининг собиқ хонандаси

**Жалолитдин
ХОЛИҚОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндошлари ва дўстларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси қўмитанинг «Усимликлар ва ҳайвонот дунёси» бўлими бошлиғи Шахло Абдуқалилова-нинг акаси

**Асиржиддин
Аловутдинович
РАХМАТУЛЛАЕВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф, офсет
усулида босилган.
5009 нусxada босилди. Кўнз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Дўшанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбаа акцидорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.